

Сийрат хатмонасига марҳабо!



12:46 / 11.10.2023 1121

Аллоҳ таоло яратган бандалари ичида энг афзали, пайғамбарларнинг охиргиси ва мукаммали бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларини ўрганишга бағишлаб «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида «Расулulloҳ - тинчлик элчиси» шиори остида олиб борилган маърифий суҳбатлар якунига етиб бормоқда.

Шу муносабат билан масжидда 2023 йил 12 октябрь куни шом намозидан сўнг мазкур анъанавий суҳбатларнинг хатмонаси сифатида катта сийрат маросими бўлиб ўтади. Ушбу анжуманга юртимизнинг мўътабар уламолари, аҳли илмлар, имом-хатиблар таклиф қилинган. Жанобимиз ҳақларида янграйдиган гўзал маърузалар ва дил изҳорларидан баҳраманд бўлинг.

Тадбирда устоз Абдул Азим Зиёуддин домланинг «Сиз Пайғамбарни танийсизми?» номли икки жуздан иборат мўъжазгина китобчалари асосида савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтади.



Ушбу мусобақада қатнашишни истаганлар мазкур китобни ўқиб, пухта тайёрланиб келишлари сўралади. Тўғри жавоб берганлар устознинг шахсан ўзларидан совғаларни қабул қилиб олишади

Барчани ушбу файзли мажлисга таклиф этамиз!